

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ**

Кулёзма ҳукукида

АМИНОВ ЗОКИР КАМОЛИДИНОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

5A340102 “Тармоқлар иқтисодиёти”(хизмат соҳалари буйича)

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди,
Ш.КУВОНДИКОВ**

САМАРҚАНД - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	36
I-БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ.....	6
1.1. Хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни.....	6
1.2. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.....	15
1.3. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....	24
II-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ НГ ҲОЛАТИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	37
2.1. Хизматлар соҳаси корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.....	37
2.2. Хизматлар соҳаси корхоналарида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.....	42
2.3. Хизматлар соҳаси корхоналари самарадорлигининг омилли таҳлили.....	
III-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	60
3.1. Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таминлашда хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириш борасидаги муҳим вазифалар.....	60
3.2. Хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари.....	65
3.3. Хизматлар соҳасини ривожлантириш истиқболлари.....	72
IV- БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕХНАТ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ.....	82
4.1. Хизматлар соҳасини ривожлантиришда меҳнат хавфсизлиги чора тадбирлари.....	82
4.2. Аҳолига хизмат курсатиш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.....	
<i>Хулоса ва таклифлар.....</i>	
<i>Адабиётлар рўйхати</i>	

Иловалар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Хусусан хизмат курсатиш ва сеовис соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суратларда ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилди. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Шу мақсадда, кейинги йилларда республикаимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари номли асарларида, «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) қарори ҳамда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастурда хизмат соҳаларини ривожлантиришга ва бандлик масалаларига катта эътибор қаратилган.

Инкироз шароитида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришилди. Аммо, ҳозирда ҳам тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини такомиллаштириш, уни пул маблағлари билан таъминлаш муаммолари ўз ечимини кутмоқда.

Тадқиқотнинг долзарблиги жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида хизмат соҳаларини ривожлантириш орқали бандлик

масалаларини етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва айрим назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Пардаев М.К., Қудратов Г. Абдукаримов Б. А., Мирзаев Қ ва Э.Файзиев кабиларнинг илмий ишларида ёритилган.

Бу ишларда хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уни тараққий эттириш концепциялари, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш йўллари ва услублари етарли даражада тадқиқ этилган. Бироқ, ҳукуматимиз томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш, унинг бандликни таъминлашдаги аҳамиятини ва ЯИМ даги улушини ошириш масалалари кўзда тутилганлиги мазкур танланган мавзунинг янада долзарблигини ва бу борада ҳали етарлича иш олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан узвий боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантириш орқали бандлик ва фаровонлик масалаларининг назарий, услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хизмат соҳаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини илмий–амалий жиҳатдан асослаш;
- хизмат соҳаларини ривожлантириш заруриятини янгича бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилиш;

- инқироз шароитида, мавжуд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида соҳани ривожлантириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;
- хизмат соҳаларини ривожлантириш борасидаги хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти бўлиб, Самарканд вилоятида хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, хизмат соҳасида ва хусусий тадбиркорлик субъектларида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Математик моделлар, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш, корреляция ва регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

Ишнинг **назарий ва услубий асосларини** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид асарлари, фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор муносабатлари шароитида вилоятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат соҳасини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий натижалари Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда талаба ва магистрларнинг илмий-амалий конференцияларида (Самарканд, 2010 й; 2012 й) илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

1.1. Хизмат соҳаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётда тутган ўрни

Хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган соҳадир. Хизмат соҳаси биринчи галда иқтисодий – ижтимоий фаолият бўлиб, бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мос келади. Бу соҳанинг иқтисодиётда тутган ўрни бекиёс бўлиб, уни ривожлантиришдан республикамиз куйидаги манфаатларни кўради:

- таъкидланганидек, ЯИМ ишлаб чиқаришда иштирок этади;
- моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари сифатида шаклланади;
- мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади;
- янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади (йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш ҳисобига 2010 йилгача 250 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.);
- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми ошади;
- ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилинади;
- хизмат соҳасига оид янги касблар ўрганилади ва б.
- мамлакат бозорини хизматлар билан тўлдириб боради ва унга бўлган талабни қондиришга имконият яратади;

- хусусий тадбиркорлар ва бошқа нодавлат ва давлат инвесторлари маблағлари ҳисобидан янги иш ўринларини очади;
 - хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш эвазига мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширади;
 - ўз ишловчиларини ойлик маъоши билан таъминлаб туради ва уларнинг оиласини тебратиш имкониятини яратади ва ҳ.к.
- Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, хизмат соҳаси ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида “... таркибий янгиланишдаги алоҳида еътиборни талаб етадиган навбатдаги муҳим масала — бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат” деб, қуйидагиларни таъкидлаб утдилар. “Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи

ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”.

Бундай мураккаб иқтисодий муносабатларнинг содир бўлишини таъминлаш бевосита ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни таққозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан кўп сонли хусусий корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади. Бундай турдаги корхоналар бошқа корхоналар билан биргаликда аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматларга, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой коммунал хўжалиги киради. Хусусий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди. Хусусий корхоналар иш фаолиятида асосий ўринни воситачилик эгаллайди, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлайди.

Бугунги кунда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам топмоқда. Хусусан маданий–маиший ва оила хўжалиги ускуналарини ижарага бериш ва таъмирлаш ишлари хусусан, кийим кечакларни таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш, (йўловчиларни ташиш), хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (мебел, қурилиш материаллари, истеъмол товарларини) етказиб буриш учун керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Ҳозирги вақтда Республикамизда уй-жой қурилиши ва коммунал комплексида ислохотлар жараёни кечиши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан айнан шу соҳаларда оилаларни маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада хусусий корхоналар уй-жой

эксплуатацияси, уларни сув, иссиқлик манбаи, электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам ўз хизмат турларини таклиф қилишмоқда. Табиийки таъмирлаш-қурилиш ишлари билан шуғулланадиган хусусий корхоналар томонидан дача, дала ҳовли ва маданий–маиший иморатларни қуриш ва таъмирлаш амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бу ишлар кўлламида ҳам аҳолининг уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат турларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бу даражада қондирилмоқда.

Шундай қилиб, хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолиятига қуйидагилар киради: умумий овқатланиш (турли хил тансиқ таомлар тайёрлаш), озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш; кийимлар, оёқ кийимлар, ички кийимларини тикиш ва таъмирлаш; мебеллар, хўжалик ва маданий маиший жиҳозлар, инвентарлар (асбоб-ускуналар), асбоблар, идишлар, енгил транспорт воситаларини таъмирлаш; уй-жой, дала ҳовли, гаражлар ҳар хил ҳовли ва хўжалик биноларини қуриш ва таъмирлаш; деҳқончиликда картошка, сабзовот, мевалар ва бошқа маҳсулотларини етиштириш; маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш кабилар.

Хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш ишсизликни бартараф этиши билан бирга, яна бир қанча афзалликлари мавжуд. Шу боис республикамизда аҳолининг бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда хизмат соҳасида тадбиркорликнинг турли хил аъанавий шакллари кенг ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан «Касаначилик тўғрисида Низом», қабул қилинди.

Президентимизнинг яна бир «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»га биноан, мамлакатда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари қаторига мамлакатимизда ан-навий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу тадбирлар, хизмат соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Демак, энди хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривож топади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу хизмат кўрсатиш ва сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, юқоридаги номи зикр этилган меъёрий ҳужжатларда «хизмат кўрсатиш» ва «сервис» тушунчалари кенг қўлланилган. Шу жиҳатдан ушбу тушунчалар мазмунига тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчалар маъносига турлича қарашлар мавжуд. «Сервис инглизча *service* сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ни англатади.¹ Русча - ўзбекча луғатда² «сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)», деб кўрсатилган. Бошқа адабиётларда³ ҳам худди шундай таърифланган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

Ривожланаётган мамлакатларда бугунги кунда сайёрамиздаги барча аҳолининг тахминан 85 фоизи истиқомат қилади, бу мамлакатларнинг кўпчилигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70-90 фоизи хусуий тадбиркорликда

1 Словар иностранных слов. -16- е из.,испр.-М.: Рус яз.. 1988 -461 Б.

2 Русча-узбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – 410 Б.

3 Қудратов Ғ.Ҳ., ПардаевМ.Қ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 12 Б.

машғул. Бу борада айрим иқтисодчи мутахасисларнинг фикрича, иқтисодиётнинг самарали амал қилиши учун аҳолининг ҳар 80 – 100 кишисига биттадан ташкилий бирлик тўғри келиши лозим.

Демак, хизмат соҳаси келажакда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларда қуйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- Самарқанд вилоятида анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашни рағбатлантириш;
- хизматлар соҳасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имтиёзли кредит билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

Юқоридаги назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (1.1.1-расм).



1.1.1-расм.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Истеъмол бозоридаги мутаносиблик – истеъмол бозорига таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда (1.1.1-жадвал).

**1.1.1-жадвал. Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати
(ўтган йилга нисбатан фоизда)**

Хизмат турлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

Масалан, республикаимиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

1.1.2-жадвал.

[illegible]

1

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага ошириш вазифаси янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланади.

1.2. Хизмат соҳаларини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари.

Хизмат соҳасини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масаласининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) Президент қарори ва 2012–2016 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, 2016 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54-56 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора тадбирлари кўзда тутилган.

2012-2016 йилларда Президент қарорига биноан, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади¹:

1. Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қўллай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган.

¹ Ушбу йўналишлар бевосита Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) қарорда ва «Ўзбекистон Республикасида 2012–2016 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури» да келтирилган.

2. Хизматлар ҳажмини юқори сураътларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2016 йилда 54-56 фоизга етказиш.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини мунтазам ошириб бориш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

6. Хизматларнинг янги истикболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал ривожлантириш.

7. Мамлакатимиз хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Энг муҳими, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун ушбу тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларни ва вазифаларни батафсил бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур кенг қўламли бўлиб, унда ҳар бир мутасаддига аниқ вазифалар белгилаб берилган. Вилоят, шаҳар ва туман

хокимликлари ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқдилар ва унинг бажарилиши мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Бундан ташқари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан йиллик ҳисоботларда мазкур масала эшитилади ва барча ҳудудлар бўйича бажарилиши назорат қилиб борилади.

Президентимизнинг ушбу қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлик даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Мамлакатда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 30 фоизни, 2005 йилда 38,3 фоизни, 2006 йилда 39,5 фоизни 2011 йилда 50,5 фоизни ташкил қилган бўлсада, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 60-80 фоизгача етмоқда ва иқтисодиётларида банд бўлган аҳолининг 70 фоизи айнан шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз соҳани жадал ривожлантириш зарурлигига катта эътибор қаратди. Зеро, хизмат соҳаларининг ривожланмаганлиги аҳоли истеъмол харажатлари таркибига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда республикаимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши 15,4 фоизни ташкил қилса, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 50-60 фоизни ташкил этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, хизмат соҳаларини ривожлантириш оилаларни маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт турлари билан таъминлаш даражасининг ошишига ҳамда уларга кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайишига ҳам имкон яратади. 2006 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2180,6 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2005 йилга

нисбатан 19,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми, яъни 58,2 фоизи расмий сектор томонидан амалга оширилиб, ўсиш суръати эса 124,4 фоизни ташкил қилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,9 фоизга ўсиб, 911,2 млрд. сўмни, уларнинг пуллик хизматлардаги умумий ҳажмидаги улуши эса 41,8 фоизни ташкил этади. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар бозорида нодавлат секторининг улуши 76,6 фоизни ташкил қилмоқда¹. Шунингдек, 2011 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Бу кўрсаткич, аввало, мобил алоқа ва интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда ҳисобот йилида аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман олганда ўсиш тенденциясига эга. Мазкур қарорда кўрилган чора-тадбирлар ва уларга берилган имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келади.

Хизмат соҳасига эътибор фақат мазкур қарор билан чегараланиб қолган эмас. Бунга муттасил эътибор берилиб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор

1

Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2006 год. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент-2007, с 38.

вазифаларидан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда хизмат соҳаларини рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналар ташкил этиш ва уни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда муҳим ўзгаришларга олиб келди.

Хизмат соҳаси корхоналари умуман олганда, мамлакат бўйича иқтисодий фаол корхоналарнинг асосий қисмини ташкил этади. Бунда айнан кичик оилавий корхоналар катта муваффақият билан ажралиб туради. Шунини таъкидлаш керакки, бундай вазият Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланади ва буни ҳунармандчиликка бориб тақалувчи моддий хизматлар яратувчи тадбиркорликнинг тарихий шаклларида кузатиш мумкин.

Бизнинг назаримизда Республикамизда хизматлар соҳаси тадбиркорлик субъектлари жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ўзининг маҳаллий характериға ҳам эга. Ушбу соҳада яратилаётган моддий хизматларнинг асосий қисми, қўл меҳнати ёки меҳнат жараёнининг бироз механизациялашуви ёрдамида яратилмоқда. Кейинги йилларда меҳнат бозорида юқори технологиялар базасида турли хил ахборот хизматларининг пайдо бўлиши ҳам бу борадаги ишларни енгиллаштиришга сабаб бўлмоқда.

Бу кўринишдаги тадбиркорлик фаолиятининг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, уни ташкил этишнинг осонлиги ва ихчамлиги, ишчи кучи ва меҳнат ресурсларининг оиладан етишиб чиқиши, аниқ мижозлар талаби учун махсулот ишлаб чиқариши, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланилиши ҳамда товар ва хизматларни сотиш эса маҳаллий бозорларда амалга оширилади.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан кўп сонли корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади. Бундай турдаги

корхоналар аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматларга, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой комунал хўжалиги киради. Ушбу корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди.

Хизмат соҳаларида тадбиркорлик фаолияти шакллари ичида умумий овқатланиш корхоналари муҳим аҳамият эгаллайди. 1994-1995 йиллар мобайнида кичик субъектларни хусусийлаштириш натижасида 52268 янги мулкдорлар пайдо бўлди, уларнинг 95 фоизи илгари юридик шахс мақомига эга эмас эдилар. Хусусийлаштириш, ҳақиқатан оммавий тус олди ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида – 12561, савдода – 10638, маҳсулот тайёрлов тизимида – 4753 ва истеъмол кооперацияларида – 24316 мулк объектлари барпо этилишига олиб келди. Мамлакатда 28846 та хусусий корхона, уларнинг 95 фоизи илгари юридик шахс мақомига эга эмас эдилар. Худди шунга ўхшаш жараёнлар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва жамоатни овқатлантириш соҳасида ҳам рўй берди. Шу йилларда хусусийлаштириш биринчилар қаторида савдо, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш каби соҳалардан бошланди. Шу туфайли мамлакатда кўп миқдорда алоҳида шахсларга қарашли унча катта бўлмаган ошхона, кафе, ресторани, буфетлар очилиши кескин тус олди. Бу фаолият натижасида аҳолига турли хизматлар кўрсатишда етакчиликни қўлга киритдилар. Масалан, тушлик пайтида ишчиларга, аҳолига (масалан, бозорда), уйдан ташқарида вақтинча яшаётганларга тансиқ таомлар таёрлаш, шунингдек корхона ва ташкилотлар томонидан ҳар хил байрам столларини ва аҳолининг тўй баъзмларини ташкил этиш каби, кўплаб хизмат турларини амалга оширдилар.

Хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнес ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам топмоқда. Бугунги кунда маданий–маиший ускуналарини ижарага бериш ва таъмирлаш ишлари хусусан, кийим кечакларни таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини

кўрсатиш (йўловчиларни ташиш), хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (мебел, қурилиш материаллари, иътемол товарларини) етказиб бериш учун керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Ҳозирги вақтда Республикамизда уй-жой қурилиши ва коммунал комплексида ислохотлар жараёни кечиши муносабати билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан айнан шу соҳаларда аҳолининг маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кичик корхоналар уй-жой эксплуатацияси, уларни сув, иссиқлик манбаи, электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам ўз хизмат турларини таклиф қилишмоқда. Табиийки таъмирлаш-қурилиш ишлари билан шуғулланадиган корхоналар томонидан, дала ҳовли маданий-маиший иморатларни қуриш ва таъмирлаш амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, бу ишлар кўлламида ҳам аҳолининг уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат турларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бу даражада қондирилмоқда.

Шундай қилиб, хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолиятига қуйидагилар киради: умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш; кийимлар, оёқ кийимлар, ички кийимларини тикиш ва таъмирлаш; мебеллар, хўжалик ва маданий маиший жиҳозлар, инвентарлар (асбоб-ускуналар), идишлар, енгил транспорт воситаларини таъмирлаш; уй-жой қуриш ва таъмирлаш; деҳқончиликда картошка, сабзовот, мевалар ва бошқа маҳсулотларини етиштириш; маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш кабилар.

Республикамизда аҳолининг бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда тадбиркорликнинг турли хил аъанавий шакллари кенг ривожлантиришга янада устувор аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда, кооперация асосида касаначилик фаолиятини ташкил этиш ҳам шулар жумласига киради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб

чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора–тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 5 январ) Фармони ва 2006 йил 11 январда мазкур фармонни амалга ошириш чораларига бағишланган 4-сонли қарори ва шу қарор юзасидан «Касаначилик тўғрисида Низом» қабул қилинди.

Президентимизнинг яна бир «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) қарорига биноан, мамлакатда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари қаторига мамлакатимизда ан-навий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклашга алоҳида эътибор берилган. Белгиланган бу тадбир, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур Фармон ва Низомларда уй шароитида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантиришга реал имкониятлар яратиб берилган. Бу имкониятлар натижасида мамлакатда қарийб 570 мингта янги иш ўринлари яратилди. Айниқса 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган.¹ Бу кўрсаткич 2010 йилда 250 мингтани ташкил этди.² Тадбиркорлик фаолиятдан тушаётган даромад эса, оила даромади таркибида янада кўпроқ ўрин эгалляпти. Келажакда оила эҳтиёжларининг

1

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. “Ўзбекистон Овози” 2007йил 13 феврал.

² Каримов И.А. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2008 йил 9 феврал.

камида 50 фоизини айнан шу фаолияти ҳисобига қопланишига эришиш лозим бўлади.

Юқоридаги номи зикр этилган меъёрий ҳужжатларда «касаначилиқ» тушунчаси кенг қўлланилган. Касаначилиқ - бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тарихий шаклларида бўлиб, бунда ишчилар тадбиркорлардан зарурий хом ашёларни олиб, буюртма асосида товар ва хизматлар ишлаб чиқарадилар ва барча ишлаб чиқариш жараёни ишчилар оиласида содир бўлади. Ишлаб чиқаришнинг бундай шакли тадбиркорларга анча моддий манфаатлар келтиради. Булар қўйидагилар билан тавсифланади.

Собиқ Иттифок даврида уй шароитида ишлаб чиқариш асосан мавжуд эмас эди, яъни фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмаган. Республикамизда ўтказилаётган бозор ислохотлари ишлаб чиқариш шаклининг бундай аён-анавий кўринишини тиклай бошлади. Бу тўғрида мамлакатимиз Президенти, «йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш»¹ зарурлигини айтиб ўтдилар. Бунда тадбиркорлар ўз меҳнатига, оила аъзолари меҳнатига ва ёлланма меҳнатга таяниб, ариза бериш асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритмоқдалар.

Юқорида номи кўрсатилган фармонлар, қонулар ва низомлар хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Демак, хизмат соҳаси келажакда иқтисодиётнинг муҳим соҳасига айланади. Шу муносабат билан вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида қўйидаги йўналишлар ҳаётга тадбиқ этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .82- бет.

- миллий қадриятларимизга кўра, анъанавий хизматлар ва касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятини тиклашни рағбатлантириш ва ривожлантириш;
- миллий хунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги корхоналарни тиклашда, уларга ўз фаолиятларини бошлаб олиши учун зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлашда имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳасини ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш ва бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

1.3. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг кўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг

қоидасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси канчалик юқори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юқори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юқори бўлса, улар оилавий бюджетининг кам қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда оилавий бюджетнинг 18-20%и озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.

Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги татқиқотлар. Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди¹. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимооти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан чамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топмоқда. У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан ифодаланади.² Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради.

Осиё унумдорлик ташкилоти ҳисобларига кўра, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу корреляция коэффиценти қўйидагича (1.3.1- жадвал).

¹ FUCHSV.R The service Economic “National Bureau of Economic Research, New York, 1968

² Маркова М.Д. Маркетинг услуг. М.Финансы и статистика. 1996 С-8

1.3.1- жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва саноатда унумдорликнинг ўсиши уртасида корреляция¹.

Мамлакат	Корреляция коэффиценти

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарқ XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Ўша даврдаёқ капитал сиғимининг юқорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қурилиш хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юқорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тухталиб ўтишган. Қуйидаги жадвалда 1981-2000 йилларда ривожланган мамлакатларда хусусий унумдорлик кўрсаткичларидан бирининг ўсиш суръати статистикаси келтирилган.

1.3.2 - жадвал

Ривожланган мамлакатларда 1981-2000 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлиги ўсиш дарадаси (%да).²

Германия	Франция	Англия	Япония	АҚШ
а	я			
н				
а				
д				

¹ Maha devan R.New Curents in Productivity Analysis. Whee To Now? – APO. 2002. P-40

² Service industries and economic performance. US department ofCommerce Economics and Statistics Administration Office of Policy Development. 1996 – p13

а				
2,6	2,6	1,7	2,3	0,2
2,0	1,9	0,8	1,9	0,1
5				
1				
,				
0				

Жадвалдан кўриниб турибдики, хизмат соҳасида меҳнат унумдорлигини пасайиши барча мамалакатларда рўй берган, айниқса Францияда (2,6% дан 1,9%гача), Англияда (1,7%дан 0,8 %гача), Германияда (2,6%дан 2,0%гача) мазкур кўрсаткични пасайиш тенденцияси юқорирак бўлган.

Умуман хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик даражаси саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ахборот технологиялари моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда самарадорликни ошишига олиб келишини ҳеч бир иқтисодчи инкор қилмайди, аммо унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига таъсири масалалари очиқ қолмоқда. Бунга боғлиқ ҳолда, саноатга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни юқори эканлигини кўпчилик хориж иқтисодчилари хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни индустриал тармоқларга нисбатан пастлиги билан ифодаляйдилар.


1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси»¹га кўра компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.

Уни таъкидлашича, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат

¹

Solow R We'd Better Out // New York Review of Books. 1987. July 12-p36

унумдорлигини йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда) унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштирса, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унумдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли-туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган (1.3.1.-расм).



1.3.1.-расм. Дж. Зингельманнинг хизматларни таснифлаш таркиби.

Дж.Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бири тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун,

банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол учун, жарроҳлик аралашуви, ташхис қўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни ҳаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолиятини самарадорлик кўрсаткичини пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юқори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва ҳоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимларининг иш ҳақини 67% ни ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда – 15% га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5% ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4 %ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унимдорлиги 0,35% га камайиб борган¹. Шундай қилиб, иқтисодиётни умумий таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб

¹ Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародексы постциду с триальной эканомики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4

боришига қарамай, бу соҳа узоқ вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унимли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатан ҳам унимдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унимдорлиги барқарор ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Трипплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унимдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткични йиллик ўсиши 2,2 -2,9 % ни ташкил этди¹.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушинтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда. Биринчидан энг кўп тарқалган вариант сифатида унимдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сўрган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кўра 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6% ни ташкил этган. Жумладан ахборот – таълим хизматлари 11,6% ни, бошқарув хизматлари 6,11% ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ухшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан

1

Wall street Journal (November 7.2005)

олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида унумдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унумдорлигини (самарадорлигини) барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Нервигиода) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигини ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт ўтиши билан меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати статистикаси маълум бир қизиқиш уйғотади. XX асрнинг 80 йиллариданок хориж тадқиқотчилари ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳиссасини ўсишини ва постиндустриал жамиятда юқори технологияли тармоқлар керакли даражада айрим хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат унумдорлигини юқори бўлмаслигини талқин этишга ҳаракат қилишган. 1985 йилда Л.Саммерс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасини турли-туманлиги ушбу соҳага илмий техника тараққиёти ютуқларини бир хилда жорий этилмаслигини ва шунга мос ҳолда унумдорликни (самарадорликни) ўсиш суръати турличалигини кўрсатган.

Баъзи ривожланган мамлакатларда улгуржи ва чакана савдо, транспорт, алоқа, молиявий хизматларда унумдорлик даражасини сезиларли ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда маълум бир қонуниятни, яъни Дж. Зингельманнинг ишлаб чиқариш ва тақсимот хизматларида унумдорликни юқори бўлиши қонуниятини амал қилаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек кейинги вақтларда унумдорликни ўсиш суръатини юқорилигини телекоммуникация ва алоқа тармоқларида кўришимиз мумкин. Хусусан, кейинги беш йил ичида бу тармоқларда унумдорлик Германияда 18%, Норвегияда 17% ни ташкил этган. Дж. Зингельманнинг таснифи бўйича истеъмол ва ижтимоий хизмат турларида унумдорликни бир мунча паст даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ресторан ва

меҳмонхона хизматлари бу давр мобайнида Германияда 4,8%, Францияда 3 %, Норвегияда 6% бўлган. Мавжуд бундай қонуниятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Истеъмол ва ижтимоий хизмат соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан унумдорликни паст даражасини ушбу хизматдаги хусусиятлар ва уларга ИТТ ни таъсир кўрсатиш имкониятларини чегараланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Д.Трепплет ва Б.Босвортларнинг таъкидлашича ИТТнинг таъсири асосан хизмат соҳасининг беш тармоғига, яъни молия хизмати, улгуржи ва чакана савдо хизмати, ишблармонлик хизматлари, суғурта ва коммуникация тармоқларида интенсив таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бу соҳаларни ривожлантириш мақсадида йирик ҳажмдаги инвестициялар йуналтирилмоқда. Масалан, АҚШда жами инвеститцияларнинг 50% и хизмат соҳасига йуналтирилади ёки ҳар йили ўртача 220 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хизмат соҳасига йуналтирилади.

Шундай қилиб, барча хизматлар меҳнاتини капиталга (унумли) алмаштириш лаёқатига эга бўлган ФТТи ютуқларини бир хилда қабул қилиш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида самарадорликка ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан биргаликда истеъмол ва ижтимоий хизматлар самарадорлигининг пастлигини бир қанча сабаблари мавжуд. Бир қатор анъанавий хизматлар (меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ва бошқалар субъектив хусусиятга эга) стандартлаштириш ва техникалашга мос келмайди. Баъзи (хизматлар, масалан, соғлиқни сақлаш ИТТи ютуқларини тез қабул қилса ҳам, улар кўпроқ истеъмолчининг хоҳиш-истагига, хизмат даражасига боғлиқдир. Агар улар паст даражада бўлса, бу ҳол ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, хизматнинг бу турларида унумдорлик даражасини оширишга ахборот-технологиялари унчалик катта ижобий таъсир кўрсатмайди.

Истеъмол ва ижтимоий хизматларда унумдорлик даражаси паст бўлиши муайян қийинчиликларни, хусусан, хизмат соҳасида банд бўлганлар меҳнат ҳақи ва унумдорлиги нисбатида муаммоларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш қийинчилигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иктисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларни турли-туманлиги уни умумлаштиришни қийинчилигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар – ўзига шундай хизматларни бирлаштирадики, унда унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал характердаги шахсий хизматлар).

Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш – ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради: масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин,

яъни, шартнома тўзишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда миждоз хизмат жараёнида иштирок этмайди. Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар кирадики, уларни кўрсатишда машиналар ва асбоб ускуналар салмоқли рол ўйнайди. Бундай хизматлар миждозни иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайитириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик)ни ўсиш характерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати – ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи категория хизматларини характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ишлаш бўйича хизматлар киради. Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётни прогрессив сектори маҳсулоти (иқтисодиётда техника қиймати технологиялар ва унумдорликни ўсиш билан пасайиб боради). Иккинчи компонент – ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф харажатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бу категория хизматининг ўзига хос муҳим хусусияти – ўзининг ҳаётий циклини дастлабки даврида ҳаракатларнинг пастлиги ва унумдорликнинг ўсишини юқорлигидир. Аммо дастлабки даврда унумдорликнинг ўсиши қанчалик юқори бўлса, у кейинчалик шундай тез пасаяди. Демак, вақт ўтиб бориши билан ассимптотик ҳаракатсиз хизматларни кўрсатишда харажатларни ўзгариб бориши рўй беради. Масалан, саратрошхона хизматини йўлга қўйишнинг дастлабки даврида асосий воситалар ва асбоб - ускуналарга катта сарф харажатлар қилинади (яъни биринчи компонент учун), сартарош меҳнат ҳақи бўйича сарфлар (иккинчи компонент) эса минимал ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришдаги капитал

қўйилмалар ўзини оқлай бошлайди, сартарош эса ўзининг меҳнат ҳаққини оширишни талаб қила бошлайди.

В.Баумольнинг ассимптотик ҳаракатсиз хизмат кўрсатиш категориясини ва Дж.Зингильманнинг таснифи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирганда, қуйидагини эътироф этиш, яъни мазкур категория хизматларига Дж.Зингильманнинг истеъмол ва тақсимот хизматларини киритиш мумкин. Хусусан, истеъмол хизматлари (ресторан, меҳмонхона, маиший хизматлар) кўп ҳолларда паст компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил қилади. Шунингдек, Дж.Зингельменнинг таснифи бўйича тақсимот хизматлари (транспорт, алоқа савдо) В.Баумоль таснифи бўйича юқори компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил этади. Улар учун ИТТнинг таъсири кучлимас, истеъмолчиларни жалб қилиниши пастлиги, хизмат жараёнида оммавий ишлаб чиқариш ва стандартлашнинг юқорилиги каби хусусиятлари ҳосилдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуқтаи назаридан кўрасаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида ИТТни таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. В.Баумоль томонидан унумдорликни ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган. Тадқиқот жараёнида В.Баумоль хизматлар таснифи билан Дж.Зингельман таснифининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хусусан, унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш

хизматлари билан кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камроқ хусусиятга эга. Ассимтотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпроқ хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юқори бўлган хизматлар ҳиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва тақсимот хизматлари ҳам тегишли.

3. В.Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник-муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

4. Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини ўрганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди.

Шундай қилиб, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаси сервис фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (сервис хизматларини баъзи турларини) самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

II БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОХАСИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Хизматлар соҳаси корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

Тадқиқотнинг мазкур бобида қуйидаги вазифаларнинг ечимини топиш назарда тутилади:

-биринчидан, иқтисодий адабиётларда илгари сурилган хизмат кўрсатиш фаолиятининг турли шаклларида меҳнат унумдорлигининг ҳар хил ўлчами ҳақидаги гипотезалар текширилади ҳамда унинг асосида ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилади.

-иккинчидан инсерт-индивудал ва асимтотик инерт шахсиз хизматлар категориялари самарадорлигини баҳолаш ресурс-сарф ёндашувини чекланганлиги асосланади.

Мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши Самарқанд вилоятининг савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат соҳасидаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили асосида тадқиқ этилади.

Маълумки, республикаимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Буни Ўзбекистонда глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора дастурида кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг устувор вазифа сифатида белгиланганлигида кўришимиз мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида жами хизматлар ҳажми 2006 йилда 452409,9 млн. сўмни ташкил этиб, кейинги йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга, яъни 2006 йилга нисбатан 2008 йилда 166 % га, 2008 йилда 2,2 баробардан зиёд ўсиш тенденциясига эга бўлган хизмат кўрсатиш шакллари ва турларига эга бўлган савдо ва умумий

овқатланишда 2006-2010 йилларда 2,6 баробар, транспортда 2,7 баробардан зиёд ўсган.

Вилоятда таҳлил этилаётган даврлар оралиғида юқори суратларда ўсиш тенденцияси алоқа ва ахборотлаштириш, молия хизматлари, сайёҳлик хизматлари ва маҳаллий хизмат соҳаларида кўзатилган. Вилоят маиший хизмат соҳасидаги иқтисодий ўсиш 2008-2010 йилларда 6,4 баробарга ошган. Бунинг асосий сабаби маиший хизмат соҳасининг бошқа хизмат турларига нисбатан кам ривожланиши оқибатида замонавий маиший хизмат турларининг кенгайиб бириши ва бу хизматларга бозорда талабнинг юқорилиги билан аниқланади.

Вилоятда жами хизмат турлари бўйича хизматлар хажминининг қишлоқ жойлардаги ҳиссаси 2008 йилда 54% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 55% дан иборат бўлган. Лекин кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан салмоғи анча пастдир.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлиги комплекс баҳолашда ягона хулосага келингани йўқ. Шу сабабли меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш услубини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишда уни аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътиборни қаратиш зарур.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг мақсадлари ва кўрсаткичларини таҳлил этишни зарурат этади.

Меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигини ифодаловчи микдорий кўрсаткичдир.

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан: хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат, банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари даражасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдорини тармоқда банд бўлганлар сонига нисбати орқали аниқланади.

$$W_{\text{тармоқ}} = \frac{\text{ЯҚҚ}}{N}, (2.1);$$

Бу ерда: $W_{\text{тармоқ}}$ – тармоқда меҳнат унумдорлиги даражаси,
ЯҚҚ – тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат,
N – тармоқда банд бўлганлар сони.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг бундай усулини қўллаш қуйидаги сабаблар орқали асосланади:

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) кўрсаткичи қийматли кўрсаткич бўлганлиги учун биз дефлятор (таққослаш) усулидан фойдаландик, яъни ялпи қўшилган қиймат миқдорини таққослама кўринишга келтирамыз. Қиймат кўрсаткичларини таққослаш учун қуйидаги дефляторлардан (таққосланадиган индекслар) фойдаланамиз.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил этиш учун савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг 2007-2010 йиллардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар танлаб олинди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида ЯҚҚ ҳажми 2007-2010 йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга. 2007–2010 йилларда ЯҚҚ нинг ўсиш суръати савдо ва умумий овқатланишда 2,6 баробарга, транспортда 2,7 баробарга ошган. Шу хизмат

кўрсатиш соҳасида эса 6,4 баробарга ошган. Шу билан биргаликда вилоятнинг мазкур соҳа ва тармоқларида иш билан бандик ҳам мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга (2.1.1.-жадвал).

2.1.1. - жадвал

Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар 1 январ ҳолатига хизмат кўрсатиш тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ва иш билан бандлар сони (N) *

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2.1.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар 1 январ ҳолатига хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (Савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да меҳнат унимдорлигининг ўсиш сурати. (%)*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари		

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ушбу жадвал маълумотларига асосаланиб меҳнат унумдорлиги кўрсатгичини ҳисоблаб, шундай хулоса қилиш мумкинки, Самарқанд вилоятида тадқиқ қилинаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш динамикаси мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2007-2010 йиллар мобайнида меҳнат унумдорлиги транспорт (йўловчиларга хизмат кўрсатиш) тармоғида бир мунча юқори бўлган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 385,6 минг сўмга сўмга ортиқ бўлган, лекин маиший хизмат соҳасидаги хусусий ривожланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги савдо ва умумий овқатланиш ва транспорт тармоқларига нисбатан юқори даражада ўсиш тенденциясига эга.

Масалан, 2007 йилга нисбатан 2008 йилда 2,2 баробар, 2008-2009 йилда 173,5% га, 2009-2010 йилда 147,5% га ўсган. Яна шуни эътироф этиш жоизки, 2006-2009 йилларда таҳлил этилаётган қолган тармоқларда меҳнат унумдорлигининг йиллардаги ўсиши нисбатан паст бўлган.

Шу билан бир қаторда В.Баумолнинг гипотезасини яна бир бор текшириш учун тақиқ қилинаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича меҳнат унумдорлигини ўсиш сураътини таҳлил қилиш зарур.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиш суратини юқорилиги маиший хизмат соҳасида кўзатишган. Шунингдек хизматнинг барча турларида таҳлил этилаётган йиллар ичида жами ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўсган, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида меҳнат унумдорлиги ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган (3,4-иловалар).

Тадқиқот давомида олиб бирлган ишлар натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги барқарор ўсиб бормоқда. (4-илова, 2,3-жадвал). Лекин В.Баумоль таснифига кўра, асимптотик инерт шахсиз хизматларга кирувчи савдо ва умумий овқатланиш, транспорт тармоқлари ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида

меҳнат унимдорлиги йиллар мобайнида пасайиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур жараёни соҳада банд бўлганлар ҳиссасининг ортиб бориши билан изоҳланади.

Вилоятда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича юқорида келтирилган таснифига кўра, молиявий, кредитлаштириш ва суғурта хизматлари ишбилармонлик хизматлари бўлиб, прогрессив шахсиз хизмат турига киради. Ушбу йўналишдаги хизматлар жами ҳажми барқарор ўсиш суръатига эга. Масалан, вилоят бўйича молиявий хизматлар 2006-2007 йилларда 2,2 баробарга, 2006 – 2008 йилларда 3,6 баробарга ўсган.

В.Баумоль таснифи бўйича соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият, таълим, ҳуқуқий ва ижтимоий таъминот хизматлари инерт индивидуал хизматлар бўлиб, улар ижтимоий хизматлар ҳисобланади. Вилоятда бу йўналишдаги хизматлар ҳам таҳлил этилаётган даврлар ичида барқарор юқори ўсиш тенденциясига эга (2-илова, 1-жадвал).

Таҳлиллар асосида олинган маълумотларга кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унимдорлиги ва унинг ўсиш суръатининг турличалиги тўғрисидаги таклифини исботлайди. Масалан молиявий хизматлар юқори ўсиш суръатига эга бўлса, савдо ва транспортда меҳнат унимдорлиги юқори, лекин ўсиш суръати нисбатан пастроқ даражада бўлган. Таклиф бўйича инерт индивидуал хизматлар сифатида таъминот, жисмоний тарбия ва спортда хизмат кўрсатиш ҳажми таҳлил этилаётган йиллар мобайнида пастроқ суратда ўсган.

2.2. Хизматлар соҳаси корхоналарида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили

Фондлар қайтими кўрсаткичини таҳлил қилиш учун қуйидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди. (2.2.1-жадвал): хизмат кўрсатиш тармоқларида ялпи қўшилган қиймат, иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий фондлар қиймати, (йил бошида).

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фондлар қайтимини ҳисоблаш тармоқларда яратилган ялпи қўшилган қийматни шу тармоқлар асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбати билан аниқланади.

$$\Phi.K_{\text{тармоқ}} = \frac{ЯҚҚ}{АИФ}; \quad (2.2)$$

Бу ерда:

$\Phi.K_{\text{тармоқ}}$ – иқтисодиёт тармоқларида фондлар қайтими;

ЯҚҚ – иқтисодиёт тармоқларида ялпи қўшилган қиймат;

АИФ – йил бошида хизмат кўрсатиш тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларнинг тўлиқ қиймати.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш тармоқларининг фондлар қайтими динамикаси 2.2.1 ва 2.2.2-жадвалларда келтирилган. Уларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат тури ҳисобланган савдо ва умумий овқатланишда фондлар қайтими 2007-йилда 1,82 бирликка эга бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 3,43 бирликка эга бўлган. Транспорт тармоғида ҳам фондлар қайтими мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга (2007 йил - 2,21, 2010 йил - 4,58). Маиший хизмат соҳасида 2007 йилда фондлар қайтими (1,61 сўм) таҳлил этилаётган қолган тармоқларга нисбатан паст бўлса, 2010 йилга келиб 6,41 сўмга ошган. Бунинг асосий сабаби, вилоятда соҳанинг кам рижовланганлиги ва маънавий-маиший хизмат турларининг шаклланиб бориши натижасида фондлар билан қуролланиш

даражаси (2010 йилда 348,5 минг сўм) мунтазам ўсиб бориш тенденцияси эга бўлган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, прогрессив хизмат тури ҳисобланган молиявий хизматларга юқори натижадорлик соҳада фондлар қайтимини ошишига олиб келмоқда, инерт индивидуал хизматлар ҳисобланган ижтимоий хизматларда фаолият тури ижтимоий характерга эга бўлганлиги сабабли бошқа хизмат турларига нисбатан фондлар қайтими бир мунча пастроқдир.

2.2.1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2007-2010 хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да фондлар қиймати (ФҚ) ва фондлар билан қуролланиш (ФБК)*.

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида фондлар қайтимини ўсиш сурати кўра, вилоятда хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқларида фондлар қайтими йиллар мобайнида ўсиш суръатига эга бўлган. Лекин, тармоқлар бўйича фондлар

қайтимининг хусусий ўсиш суръати таҳлил этилаётган йиллар ичида нисбатан пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2007-2008 йилларда савдо ва умумий овқатланишда 133,5% , транспортда 134,8%, маиший хизмат соҳасида 192% га ўсган бўлса, мазкур кўрсаткич 2009-2010 йилларда мос равишда 115,9%, 121,2% ва 133,5% ларга ўсган.

Мазкур дицертацион тадқиқот жараёнида қўйилган вазифалардан бири хизматлар тури таснифи бўйича (савдо, транспорт, маиший хизмат) самарадорлигини баҳолаш учун ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланиш чегараланганлигини асослашдан иборат. Шунингдек ижтимоий хизматлар (соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот) ҳисобланган инерт нидивидуал хизматлар самарадорлигини ресурс-сарф нуқтаи назаридан атрофлича ифодалаб бўлмайди. Шу сабабли таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида асосий фондлар самарадорлигини таҳлил этиш учун мазкур соҳа ва тармоқларда фондлар қайтими ва фондлар билан қуролланиш кўрсаткичларини таққослаш зарур.

Ресурс-сарф ёндашувига биноан самарадорликни баҳолашда фондлар қайтими фондлар билан қуролланиш кўрсаткичини ўсиш даражасига нисбатан юқори суратларда ўсиб борган. Таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш соҳаларида юқоридаги кўрсаткичларни таққослаш учун дастлаб фондлар билан қуролланиш ва уни ўсиш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш зарур. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фондлар билан қуролланиш қийматини тармоқда банд бўлган ишловчилар сонига бўлиш орқали амалга оширилади.

$$\Phi.K = \frac{AI\Phi}{N}; \quad (2.3)$$


Бу ерда: $\Phi.K$ – иқтисодиёт тармоқларида фондлар билан

қуролланиш даражаси;

N – иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони.

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида фондлар билан қуроғланиш, ўсиш даражаси 2.2.1– жадвал келтирилган. Ушбу келтирилган маълумотларга асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашга ҳаракат қилдик.

Маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, вилоят савдо ва умуй овқатланиш тармоғида 2007-2009 йилларда асосий фондлардан фойдаланиш самарали бўлган, чунки фондлар билан қуроғланишнинг ўсиш даражаси фондлар қийматини ўсиш даражасидан юқори бўлмаган, лекин таҳлил этилаётган йиллар ичида фондлар билан қуроғланиш ва фондлар қайтимининг ўсиш суръатлари мутаносиб равишда пасайиб борган. Бу эса тармоқда фондлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайишини ифодалайди. Бундай хулосани транспорт ва маиший хизмат соҳасига ҳам кўзатишимиз мумкин (2.2.1.-расм).



2.2.1-расм. Самарқанд вилоятида маиший хизмат соҳасида фондлар қайтими ва фондлар билан қуроғланиш даражасининг ўсиши, (%).

Маълумки, фондлар билан қуролланиш даражасининг фондлар қайтими ўсишига нисбатан паст суръатда ўсиб бориши фондлардан фойдаланиш самарадорлигин ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар хизматлар соҳасида самарадорликни баҳолаш учун ресурс ва сарф ёндашуви чегараланганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу ҳол юқоридаги хизматларнинг самарадорлигини баҳолаш учун янгича ёндошувни зарурат этади.

Шу билан бир қаторда илгари сурилган гипотеза хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ўсишни омили таҳлилини олиб бориш ўз тасдиғини топади. Хусусан, экстенсив ва интенсив омилларни хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсири аниқланганидан сўнг муайян вақт ўтиб бориши билан иқтисодий ўсишда интенсив омилларни таъсир даражаси пасайиб боради (меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими) ва экстенсив омилни (банд бўлганлар сони ва асосий фондлар қайтимини ошиши) таъсир этиш даражаси ва аҳамияти ошиб боради деган хулосани илгари суриш мумкин. Мазкур ҳолат хизмат кўрсатиш сифатига, ишлаб чиқариш даражаси ва ҳажмини оширувчи унумдорликни салбий таъсири билан изоҳланади. Бу жараён тадқиқотнинг 2.3-параграфида таҳлил этилади.

2.3. Хизматлар соҳаси корхоналари самарадорлигининг омилли таҳлили

Маълумки, хизмат кўрсатиш – бу хизматни бажарувчисининг унинг истеъмолчиси билан бевосита алоқасига тўғри келадиган фаолиятидир. Мазкур хизмат кўрсатиш жараёни хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари ва ходимлари орқали таъминланади. Хизмат кўрсатиш ўз ичига истеъмолчилар буюртмаларини таҳлил қилиш, хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, яъни ташкилий-техник вазифалар ва хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш, хизматнинг зарурий сифатини белгилаш ва таъминлаш ҳамда истеъмочига етказиш тартиблари ва шарт-шароитларини олади.

Иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини модернизациялаш шароитида мамлакатимизда ўз фаолиятини амалга ошираётган хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари хизмат кўрсатиш жараёнинг барча сир-атворлари бўйича юқори касбий билим ва малакага эга бўлишлари лозим. Бу эса соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга олиб келади ҳамда хизмат сифати яхшиланади. Хизмат кўрсатиш сифати кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш услубларига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш услублари сервис корхоналарининг турлари ва ихтисослигига боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш сифатига хизмат кўрсатиш шароитлари бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур жараёнда истеъмолчига таъсир кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш жараёнида фаолиятни амалга оширишнинг асосий элементлари бўлиб хизмат кўрсатишни амалга оширувчи ходимлар, хизмат кўрсатиш воситалари, предметлари ва хизмат кўрсатиш шароитлари ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятининг самарадорлиги корхоналар раҳбарларининг ташкилий-бошқарув ва ташкилий-иқтисодий жараёнларини

илмий асосда ташкил этишга боғлиқ. Хизмат кўрсатиш корхонасининг ташкилий-бошқарув фаолияти ўз ичига қуйидагиларни олади:

- хизмат кўрсатиш корхонасининг фаолиятини режалаштириш, хизматлар бозори конъюнктурасининг ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларини баҳолаш;
- хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда технолигик асбоб-ускуналар ва техник воситалар таркибини оптималлаштириш;
- истеъмолчилар билан ишлаш учун ижтимоий-психологик лаёқатга эга бўлган мутахассасларни танлаш;
- хизмат кўрсатиш ходимлари касбий маҳорати ва малака даражасини ошириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига интенсив ривожланишни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёни ва хизмат кўрсатиш фаолиятини техник куроллантириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари самарадорлигини баҳолаш;
- хизмат кўрсатиш натижаларини ошириш;

Республикамизда амалга оширилаётган бир қатор иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, хусусан, унинг таркибий қисми ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

2.3.1-жадвал

2003 – 2011 йилларда Самарқанд вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқаришнинг умумий динамикаси, (%)

Йиллар	Тармоқлар		

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Самарқанд вилоятида кейинги йилларда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши мунтазам ўсиб бормоқда. Биргина 2003 йилда хизмат кўрсатишнинг ўтган йилгига нисбатан ўсиш суръати 107% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 122,7%га ўсган.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг бундай ўсиши 2003 йилда 111,6%га ўсган бўлса, 2011 йили эса 106,6%ни ташкил этган.

Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилда 110,6% га, 2008 йилда эса 130,6% га ошган, лекин 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 112%ни ташкил этган. Саноат ишлаб чиқаришидаги бундай ўзгариш асосан глобал

иқтисодий инқироз таъсирида товар ва хизматларга талабнинг пасайиши натижасида содир бўлган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб бориши қишлоқ хўжалигида ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларнинг яратилиши, хусусий тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши билан изоҳланади. (2.3.2-жадвал)

2.3.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2006 – 2010 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлиги (ИМУ) ва фондлар қайтими (ИФҚ) индекслари*.

Йиллар	Соҳа ва тармоқлар					

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари тажрибаси шундан далолат берадики, хизмат уўрсатиш соҳаси фаолиятининг самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва шароитларига боғлиқ бўлиб, бир қатор омиллар таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, биз ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасининг тармоқлари ва йўналишларида иқтисодий ўсишнинг омили тараққиётини амалга оширамиз. Бунда асосий мақсад иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини хизмат кўрсатиш фаолиятининг иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлаш асосий мақсад ҳисобланади. Ўтказилган омили таҳлил доирасида

экстенсив ва интенсив омиллар индекси таққослаш усули орқали иқтисодий ўсиш шакли белгиланади.

Қуйида иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси формуласи келтирилган:

$$I_k = \frac{I_{m,y} \times I_{\phi,k}}{I_{и.х.б} \times I_{ас.ф}} \quad (2.1);$$

Бу ерда: I_k – иқтисодий ўсишнинг умумий индекси;

$I_{m,y}$ – меҳнат унумдорлиги индекси;

$I_{\phi,k}$ – фондлар қайтми индекси;

$I_{ас.ф}$ – асосий фондлар индекси;

$I_{и.х.б}$ – соҳада банд бўлганлар индекси.

Меҳнат унумдорлиги индекси ($I_{m,y}$) бир соатдаги ($I_{y,c}$), кунлик ($I_{y,k}$), йиллик ($I_{y,y}$) меҳнат унумдорликлари индекслар ва иш вақти индексига боғлиқдир ҳамда қуйидагича ҳисобланади.

$$I_{m,y} = I_{y,a} \times I_d \quad (2.2);$$

$$I_{y,y} = I_{m,y} \times I_{ўр.и.с} \text{ ёки } I_{y,y} = I_{y,c} \times I_d \times I_{ўр.и.с} \quad (2.3);$$

Бу ерда: $I_{m,y}$ – кунлик меҳнат унумдорлиги индекси

$I_{y,y}$ – йиллик меҳнат унумдорлиги индекси

$I_{y,c}$ – бир соатдаги меҳнат унумдорлиги индекси

I_d – иш вақтининг ҳақиқатдаги давомийлиги индекси

$I_{ўр.и.с}$ – муайян йилдаги ўртача рўйхатда бир ишчига тўғри келадиган ишлаган иш кунлари сони индекси.

Шунга кўра, конкрет ҳолда меҳнат унумдорлиги индекси иш вақти сарфи индексига тескари бўлиб, қуйидагича ҳисобланади.

$$I_{m,y} = \frac{\sum q_1 t_0}{\sum q_1 t_1} \quad (2.4);$$

Бу ерда: q_1 – бир улов бирлигига мувофиқ ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

t_1 ва t_0 – маҳсулот бирлигига базис ва ҳисобот даврларидаги иш вақти сарфлари.

Фондлар қайтими индекси $I_{\phi.k}$ қуйидаги кўрсаткич асосида ҳисобланади.

$$I_{\phi.k} = \frac{\sum \phi_{2i} \times H_i}{\phi_2} : \frac{\sum \phi_{1i} \times H_i}{\phi_1} \quad (2.5);$$

Бу ерда: ϕ_{2i} ва ϕ_{1i} - базис ва таҳлил этилаётган даврларга мувофиқ i – муддатга натурал кўрсаткичга ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;
 $H_i - i$ – турдаги маҳсулот бирлигига нарх;

ϕ_1 ва ϕ_2 – базис ва таҳлил этилаётган даврларга асосий фондлар ўрта йиллик қиймати;

Асосий фондлар индекси ($I_{A\phi}$) қуйидаги формулалар асосида ҳисобланади:

$$I_{A.\phi} = \frac{\sum A\phi_{x.d.k} - \sum A\phi_{x.c.k}}{\sum A\phi_{x.d.k}} : \frac{\sum A\phi_{b.d.k} - \sum A\phi_{b.c.k}}{\sum A\phi_{b.d.k}} \quad (2.6)$$

Бу ерда: $\sum A\phi_{x.d.k}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилидаги дастлабки қиймати суммаси

$\sum A\phi_{x.c.k}$ – асосий фондлар ҳисобот йилида чиқиб кетган қисми қиймати

$\sum A\phi_{b.d.k}$ – асосий фондлар базис йилидаги дастлабки қиймати суммаси

$\sum A\phi_{b.c.k}$ – асосий фондларнинг базис йилида чиқиб кетган қисми қиймати;

Соҳада банд бўлганлар сони индекси ($I_{и.х.б}$) муайян давр боши ва охирига ишчилар сони ўзгариши билан аниқланади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{и.х.б} = \frac{P_o + P_k - P_6}{P_o}$$

Бу ерда: P_o – муайян давр бошида ишчилар сони (киши хисобидан)

P_k – шу даврга яна ишчилар ишга қабул қилинганлар сони,
(киши хисобида)

P_6 – муайян двар турли сабабларга кўра ишдан бўшатишган
ишчилар сони (киши хисобида)

Агар $I_k > 1$ бўласа, у холда ўсиш нисбатининг интенсив, агар $I_k < 1$ бўлса,
у холда нисбатан экстенсив иқтисодий ўсиш бўлишин кузатиш мумкин.

Самарқанд вилоят иқтисодиёт соҳаларива тармоқлари (саноат, қишлоқ
хизмат кўрсатиш) иқтисодий ўсишнинг умумий индекси, яъни меҳнат
унумдорлиги, фондлар қийматини, банд бўлган ишловчилар ва асосий ишлаб
чиқариш фондлари индекси ҳамда иқтисодиёт секторлари бўйича иқтисодий
ўсиш динамикаси ишлаб чиқилди, бу кўрсаткичлар куйидаги жадвалларда
келтирилган.

2.3.3 – жадвал

**Самарқанд вилоятида 2006 – 2010 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги
тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ўсиш
динамикасининг умумий индекси.***

С о х а в а т а р м о к л а р С	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш
а		
н		
о		
а		
т		
1	1,13	1,0
,		
1		
6		
1	1,27	1,01
,		
2		
1		
1	1,4	1,0
,		
2		
2		
1	1,27	1,03
,		
2		
3		
1	1,26	1,04
,		
2		
4		

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Юқорида келтирилган жадваллар ва расмлардан кўриниб турибдики, жадваллар ва расмлар қишлоқ хўжалиги тараққиётларидан фарқли равишда хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фонд қайтим) таъсири бир мунча камроқдир. Таҳлил этилаётган даврлар оралиғида мазкур соҳада иқтисодий ўсишнинг умумий индекси 2006 ва 2008 йилларда бирга тенг бўлиб, 2009 ва 2010 йилларда бирдан салгина катта бўлган.

Вилоятда бозор муносабатлари ривожланишининг дасталабки йилларида хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган (яъни, шу соҳада банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқари фондлари миқдори). Шунинг учун ҳам вилоят хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини ҳисобдашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилган ва улар қуйидаги жадваллар (2.3.5-жадвал, 2.12-жадвал, 2.13-жадвал ва 2.9-расмларда келтирилган).

2.3.4-жадвал

Самарқанд вилояти 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари, маиший хизмат)да меҳнат унумдорлиги ($I_{м.у}$) ва фондлар қаймати даражасининг индекси.*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

2010	1,4	1,17	1,33	1,23	1,49	1,34
------	-----	------	------	------	------	------

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

2.3.5-жадвал

Самарқанд вилоятида 2007 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси*.

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари		
	Савдо ва умумий овқатланиш		

Манба: Самарқанд вилоят статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсиш асосан интенсив омилларни ($I_k > 1$) ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтимини индексларининг ошиши ҳисобига ўсган. Лекин, таҳлил этилаётган даврлар оралиғида таҳлил этилаётган соҳа ва тармоқларда иқтисодий ўсишга интенсив омилнинг таъсири камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бу эса асосан кейинги даврларда хизмат кўрсатиш соҳасида экстенсив омиллар таъсирининг ўзгариши ҳисобига ўсишни ифолайди. Жумладан, соҳада банд бўлганлар ва мазкур соҳа тармоқларида асосий фондлар қийматини ошиши экстенсив ўсиш тенденциясига тўғри мутаносбликда таъсир кўрсатади.

Вилоятда маиший хизмат соҳасидаги интенсив ўсиш индекси (2007 йилда $I_k = 3,3$) қолган таҳлил этилаётган хизмат кўрсатиш тармоқларига нисбатан бир мунча юқоридир. Бунинг асосий сабаби хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш ва транспорт тармоқларига нисбатан маиший хизмат

соҳаси кам ривожланган ҳамда замон талаблари даражасида талаб юқори бўлган янги маший хизмат турларининг вужудга келиши, дастлаб интенсив ўсиш омили (меҳнат унумдорлиги ўсиш ва фондлар қайтимининг юқорилиги) юқорилиги билан аниқланади. Кейинчалик вақт ўтиб бориши маиший хизмат турлари бўйича соҳада банд бўлганлар ва асосий фондларнинг ўсиб бориши экстенсив омиллар таъсирининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора камроқ самара бериб боради. Ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорлик кўрсаткичларининг аҳамиятини ошиши ва ҳисобланиши (ресурс-сарф ёндашувидаги самарадорлик) ўзининг долзарблигини йўқотади, чунки хизмат кўрсатиш фаолиятида иқтисодий самарадорликка экстенсив омилларининг таъсири нисбатан уствор аҳамият касб этиб бормоқда. Яна шуни қайд этиш жоизки, юқорида таъкидланган қонуният асимптотик-инерт хизмат кўрсатиш турида ва инерт-индивидуал хизмат категорияларида (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт) кўпроқ даражада намоён бўлади.

Таҳлиллар асосида олинган маълумотлар, ўз навбатида хорижий иқтисодий адабиётларда эътироф этилган фикрларни, яъни муайян вақт ўтиб бориши билан хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омилларнинг таъсири сусайиб боради деган тезис ўз тасдиқини топаётганлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам, меҳнат унумдорлигини ва фондлар қайтимини ошиши ҳисобига хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишни таъминлаш объектив қийинликларни юзага келишига олиб келмоқда. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳаларида кейинги вақтларда моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан меҳнат ресурсларининг бандлиги ошиб бормоқда ва аксинча, меҳнат унумдорлиги камайиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда хорижий иқтисодий адабиётларни ва статистик маълумотларни таҳлил этиш асосида соҳасида шундай хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти доирасида хизмат кўрсатишни меҳнат унумдорлигини ўсиш даражаси (самарадорликни ресурс-сарф ёндашуви нуқтаи назаридан) нуқтаи назаридан уч категорияга яъни, инерт-индивидуал хизматлар, прогрессив шахсиз хизматлар, асимптотик-инерт хизматларга бўлинади. Унумдорликни ўсиш суръати ва аҳамияти кўпроқ прогрессив хизматлар (оммавий юқори автоматаштирилган хизматлар) категорияси орқали тавсифланади. Инерт-индивидуал хизматлар (индивидуал автоматлаштирилмаган хизматлар) эса нисбатан паст суръатда тавсифланади. Асимптотик инерт хизматлар категорияси (индивидуал автоматлаштирилган хизматлар) эса кўп томонлама характерга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси хизматлар кўрсатишда прогрессив компонентларнинг хоссасига боғлиқ бўлади.

2. Мамлакатимиз, хусусан, Самарқанд вилояти хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида иқтисодий ўсишнинг омили таҳлили шундан далолат бермоқдаки, хизмат кўрсатиш соҳасида интенсив омиллар таъсирида (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтимининг ўсиши таъсирида) нисбатан паст бориш тенденциясига эга бўлиб, вақт ўтиб бориши мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасида унинг ўсиш экстенсив омиллар (соҳада банд бўлган ишловчилар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлар қийматини ошириш) таъсирида эришила боради. Шу билан биргаликда яна шуни эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари бўйича олиб борилган иқтисодий ўсиш диамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, юқоридаги қонуният хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқлари учун характерли эмас. Масалан, прогрессив шахсиз хизматлар кўрсатишда интенсив омилнинг ўрни ва роли юқорироқ бўлса, инерт-

индивидуал хизматлар кўрсатишда эса экстенсив омилларнинг аҳамияти юқоридир.

3. Мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик (унумдорлик) кўрсатгичини таҳили давомида олиб борилган тадқиқотлар хизмат кўрсатиш фаолиятининг баъзи турларида иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, В.Баумоль томонидан эътироф этилган хизматлар: инерт-индивидуал ва асимптотик инерт шахссиз хизматларда прогрессивлик компонентлари ҳиссасини пастлигини кўрсатмоқда. Бундай хулосани иқтисодий ўсиш динамикасини омилли таҳлили асосида ҳам келтириш мумкин. Инерт-индивидуал хизматларда иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар асосида содир бўлмоқда. Бу соҳаларда хизматларни ишлаб чиқиш ва кўрсатиш нисбатан ишлаб чиқариш омилларини миқдорий ошириш ва фойдаланиш орқали эришилмоқда. Демак, унумдорлик (самарадорлик) кўрсатгичлари хизматнинг инерт ва асимптотик инерт хизматлари категорияларида хизматлар яратиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда тўлақонли лаёқатли эмас.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар инерт-индивидуал ва асимптотик инерт хизматлар самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашувини чекланганлигидан ва уларда соҳани ривожлантириш учун прогрессив компонентларни ҳиссасини пастлигидан далолат беради. Бу ҳол таҳлил этилаётган муаммога комплекс тарзда ёндашиш зарурлигини тақозо этади.

III-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Самарканд вилоятида аҳоли бандлигини таминлашда хизмат соҳасининг аҳамиятини ошириш борасидаги муҳим вазифалар

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган изчил тадбирлар ва қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Шунингдек, соҳасининг юқори суръатлар билан усишини таъминлашга қаратилган ҳукукий асослар ҳам яратилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Бунинг натижасида республикамызда соҳада бир канча ижобий курсаткичларга эришилди:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратилди;
- 2010 йилда хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказилди;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб борилди;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожланди;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтиришга эришилди;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланиб, 2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Таркибий янгиланишдаги алоҳида еътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат» деб қуйидагиларни таъкидладилар:

... “Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”.

Аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича Самарканд вилоятида ҳам бир мунча ижобий ўсишга эришилган. 2011 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2010 йилга нисбатан 132,8% га ўсган.

Шунингдек, вилоятида аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми савдо ва хизмат кўрсатиш бўйича чакана савдо айланмасида 2011 йилда 2171401,5 млн.сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 116,9 фоизга, жами хизмат кўрсатиш 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 117,3 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 2011 йилда 888763,4 млн.сўм яъни 2010 йилга нисбатан 113,0 фоизга ўсганлигини куришимиз мумкин (3.1.1-жадвал).

2010-2011 йилларда Самарканд вилоятида аҳолига курсатилаётган хизматлар ҳажми

1

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Самарканд шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм

рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2009 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шаҳобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

3.2. Хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш йўналишлари

Бугунги кунда хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини 1-бобда кўриб чиқган эдик. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт – шароитлар яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида¹ «хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлайди» – деб таъкидлайди.

Ушбу йиғилишда кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида, бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб қуйилди:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасдан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .79-83 Б.

² Ўша жойда. 79-83 Б.

3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз махсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва хажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай ўринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

4. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фойиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йули билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб – қувватланыпти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини таёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланган¹:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган махсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизмат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва рўйхатга олиш борасидаги енгилликларнинг жорий этилиши натижасида 2007 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатдан ўтган хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 423,4 мингтага етди ва умумий рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 382,9 мингтаси (90,5 фоизи) фаолият кўрсатиб келмоқда. Ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг 59,7 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига, 14,9 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 6,9 фоизи sanoʻatга ва 4,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади¹.

Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб – қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга. Бу борадаги маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ишбилармонлар ва касбий

ассоциацияга аъзо бўлганлар сони кўпаяпти: 2004 йилда корхоналарнинг 39 % у ёки бу ассоциация ёки уюшма аъзоси бўлган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 51 % га етган. Сўралган тадбиркорлик субъектларининг 22 фоизи товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси ва 26 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси аъзоларидир. Тадбиркорлик субъектларининг ярмидан кўпи биронта ҳам уюшмага аъзо эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар бундай уюшмаларнинг ҳеч қандай нафи йўқлигини таъкидлаганлар. Сўралганларнинг 14 фоизи вилоятда ишбилармонлар ва касбий ассоциациялар борлигини умуман билишмайди.

Бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳукуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралашишни чеклаш кабилар давлат томонидан хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича кўрилаяётган чораларнинг фақат бир қисмидир.

Республикада хусусан вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун кулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар–хонашў биржаси, Агротранспортбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб–қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Консаудитинформ» агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар таёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар.

2) Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

3) 2002 йилда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида» ги қонун яққа ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди.

4) Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва «Касаначилик тўғрисида Низом»га кўра, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий роль ўйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутди.

Бизнинг ҳисоб китоблар бўйича Ўзбекистонда 5,2 млн. оила мавжуд. Шулардан 3,1 миллиони қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Ҳозирги пайтда қишлоқларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шароит етарли.

Зеро, унинг қонуний асоси яратилди. Президентимиз таъкидлаганидек: “2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш” лозимдир. Хизмат соҳасини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар бир мунча тезлашади.

Бундай чора-тадбирлар тадбиркорликнинг ривожига ҳам ёрдам беради, даромадларни ошириш ва oilалар турмуш даражасини тезроқ яхшиланишига олиб келади. Шу туфайли, хизматлар соҳасини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур.

Хизмат курсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга oilавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;
- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган кўплаб давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив oilлар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Хизмат курсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки

барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат курсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- Иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш вилоятда хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

3.3. Хизматлар соҳасини ривожлантириш истиқболлари

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳаларининг ривожланиши улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ўз навбатида ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг (2012 йил 18 январ) йил якунларига бағишланган маърузасида мазкур соҳа иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилди. Бунга кўра, 2012-2016-йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улушини 54-56 % га етказиш кўзда тутилганлиги таъкидланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб биз ҳам танланган мавзуга методологик жиҳатдан тўғри ёндошиш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблашга жазм қилдик.

**3.2.4 - жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
субъектларининг ҳудудий иқтисодиётдаги ўрни**

№	Кўрсаткичлар	2001	2002	2004	2005	2006	2007	2009

Манба: Самарканд вилояти Статистика бошқармасининг тегишли йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Шу мақсадда 3.2.4 - жадвал маълумотлари асосида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши, уларнинг сони, ундаги банд аҳоли ва оилаларни тадбиркорлик фаолияти ҳисобига оладиган даромадлари улуши, шунингдек пуллик хизматлар ҳажми ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

Танланган мавзуга методологик жиҳатдан тўғри ёндашиш мақсадида пуллик хизматларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини

таҳлил қилиш ва унинг истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишни ҳам мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу маълумотларига кўра, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши тобора етакчи ўрин эгаламоқда. Бу кўрсаткич 2001 йилда 23,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 50,9 фоизни ташкил этган. Бу хизмат турларига савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар), миллий хунармандчилик ва таъмирлаш устахоналари, компьютер ва янги ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари), транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш), фото ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш) ва бошқа оилавий хизмат турлари киради. Бу кўрсаткич прогноз таҳлилларига кўра, истиқболда (2013 йил) 57,1 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бу ҳолат, келажакда янги хизматлар бозорининг пайдо бўлиши ва унда хусусий секторнинг улуши янада етакчилик қилиши билан изоҳланади. Бу улуш ҳам прогноз даврида 4,2 мартага ошиши кузатилди.

Хизмат соҳаларини ривожланишининг барча омиллари ва жиҳатларини яхлит тизим сифатида ва ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш мақсадида хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини истиқболлаштиришнинг эконометрик моделлари мажмуаси ишлаб чиқилди. Ушбу мажмуа таркибан қуйидагилардан иборат: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯХМ даги улуши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд аҳоли, оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари улуши, пуллик хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ва пуллик хизматлар ҳажмини ҳисоблаш моделлари.

Шу мақсадда, қуйидаги 3.2.12–жадвалда Самарканд вилоятида 2010-2013 йилларда хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари фаолиятининг истиқболий кўрсаткичлари ҳамда, уларни ҳисоблаш учун энг қулай функциялар рўйхати келтирилди.

Тадқиқотда қўлланилган услуб орқали таҳлил қилинган истиқбол кўрсаткичлар, улардан амалиётда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида далолат беради. Ушбу кўрсаткичларнинг ўртача хатоси ^{4,19} фоизни ташкил этди.

3.2.1–жадвал. Самарканд вилоятида 2010-2013 йилларда хизмат сохаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболий кўрсаткичлари¹

№	Кўрсаткич номи	Прогноз учун энг қулай функция	F - коэф.	Йиллар				Прогнознинг ўртача хатоси, %

1

Манба: муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

IV- БОБ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕХНАТ ВА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

4.1. Хизматлар соҳасини ривожлантиришда меҳнат хавфсизлиги чора тadbирлари.

Биз ҳар куни фойдаланадиган уй рузгор буюмлари инсон қулининг маҳсули, унинг меҳнати натижасидир. Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, энг аввало табиат предметларини узгартириб, эҳтиёжга мослаштиришни билдиради. Меҳнат кишилик жамияти ҳаётининг асосий шarti, чунки у туфайли инсониятнинг яшаш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар яратилади.

Қундалик ҳаётимизда, хизмат курсатиш соҳасида минглаб юртдошларимиз тирикчилик ишлари билан банд бўлишади.

Хизматлар соҳасида меҳнат хавфсизлиги — ишлаб чиқаришнинг биринчи босқичи бўлиб, бу ерда ишчи қучи такрор ишлаб чиқарилади. Қорхонада иш шароитлари ва жойларининг тартибли ва тугри жихозланганлиги— меҳнат унумдорлигини ошишига, курсатиладиган хизматларнинг сифатли бўлишига, ресурсларни самарали ишлатишга, оила аъзоларининг соглиги ва қилган меҳнатидан қаноатланганлигига боғлиқ.

Хизматлар соҳасида, инсон ҳаётининг асосий қисми утади. Шу ерда инсоннинг қобилияти ва истеъдоди намоён бўлади, унинг қилимлари қенгайиб боради. Соҳада қилинадиган меҳнатда инсон қисмонан тобланади, иродаси ва феъл атвори қиникади.

Меҳнатқашларнинг ҳаёти ва соглигини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари қодекси билан ҳамда хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига оид нормалар билан қафолатланган.

Меҳнат қонунларга меҳнат бозори самарали амал қилишни адолатли меҳнат шароитларини, қодимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқини қимоя қилинишини, меҳнат унумдорлиги уқшини, иш сифатини

яхшиланиши ва шу асосида меҳнат билан бирга мулкчиликнинг турли шаклдаги корхоналарда меҳнат шартномаси буйича ишлаётган барча шахсларнинг меҳнатга доир муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар бир киши меҳнат қилиш, қонунда белгиланган тартибда эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Мажбурий меҳнат тақиқланади. Республикамизда меҳнат қонунчилиги факатгина иш шароитини яхшилаш ва бахтсиз ходисаларининг олдини олиш вазифаларинигина қариб чекланмай, балки ходимларни ишдан бушатишни ва ходимлар билан корхона маъмурияти ўртасидаги жанжални муҳокама этишни тартибга солади ва меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилади.

Аёллар меҳнатидан оғир ишларда ва меҳнат шароитларида зарарли бўлган ишларда, ер ости ишларида фойдаланиш тақиқланади. Хомиладорлар аёлларни ва боласи уч ёшга етмаган аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ишлатишга, дам олиш кунларида ишлатишга ва камандировкага юборишга йўл қўйилмайди. Аёлларга боласи бир ярим ёшга етқунга қадар қисман ҳақ туланадиган отпусқа берилади. Бундан ташқари, боласи уч ёшга тулгунга қадар қўшимча отпусқа ҳам берилади. Аёлларни хомиладорлигини ёки боласи борлигини боҳона қилиб ишга қабул қилмаслик ёки иш ҳаққини қамайтириш тақиқланади.

16 ёшга тулмаган шахсларни ишга қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Қасб ҳунар билим юр்தларининг ўқувчиларини ун тўрт ёшга тулгандан кейин ота-онасининг розилиги билан енгил ишларни бажаришга қабул қилишга йўл қўйилади.

18 ёшга тулмаган ўсмирлар оғир ишларда ва меҳнат шароити зарарли ёки ҳавфли бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланади. Уларни медицина қуригидан ўтказилгандан кейингина ишга қабул қилинади,

шунингдек ҳар йили медицина куригидан утиб туришлари шарт. 18 ёшга тулмаган усмирларнинг тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш тақиқланади. Уларни ишдан бушатиш тумандаги вояга етмаганлар комиссиясининг розилиги билангина йул қуйилади.

Қорхона маъмурияти соғлом ва ҳавфсиз иш шароитларини яратишлари қузда тутилган. Маъмурият ишлаб чиқаришда ҳавфсиз техника воситаларини тадбиқ қилиш, санитар-гигиеник шароитларини яратиш, турли касбий касалликларни олдини олиш чораларини қуришлари зарур. Шу билан бирга ишчи ходимлар уртасида техника ҳавфсизлиги ва ёнгин ҳавфсизлиги бўйича инструктажлар утқазиб туриш маъмуриятга юкланади.

Маъмурият қасаба уюшмаси қумитаси ҳамда бошқа давлат органлари билан биргаликда бахтсиз ходисаларни уз вақтида қуриб чиқишлари шарт.

Юқорида зикр этилганларни эътиборга олган ҳолда оилада барқамол инсон шаклланади ва давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий режалар тақдири ҳал бўлади. Мана нима учун хизмат соҳасида меҳнат шароитларининг тугри, аниқ, сифатли, уз вақтида баҳолаш, меҳнат жойларини тугри ташкил қилиб, оила аъзоларининг ҳаёт фаолиятини ҳавфсизлигининг узвий қисми бўлган меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш қатта аҳамиятга эга.

Республикада меҳнат ҳавфсизлиги стандартлари системаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда инсоннинг меҳнат жараёнида соғлигини сақлаш, ҳавфсиз иш шароитларини яратиш, турли касалликлардан сақлаш қабил қонун қоидалар норма талаблари бўйича ҳужжатлар қелтирилган.

Республикада меҳнат муҳофазаси масалалари давлат органлари назоратидадир.

"Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси" 1971 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида қабул қилинган бўлиб, 1994 йил 1 мартгача бўлган ўзғиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда нашрда чоп этилган. Бу меҳнат кодекси бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олган ҳолда мулкчиликнинг қайси шаклидаги корхоналарда бўлишига қарамай ишчи ва ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, уларнинг меҳнатга доир муносабатларини тартибга солади.

Соҳада қўрсатиладиган хизматларда меҳнат хавфсизлиги чора-тадбирлари ҳам ушбу меъёрий ва умумий қоидаларга бўйсинади:

1.1 Меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини шаҳодатдан ўтказиш халқ ҳужалигининг барча тармоқларидаги корхоналарга, уларнинг мулкчилик шаклидан ва идоравий тобъелигидан қатъий назар, мажбурийдир

1.2 Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича баҳолаш ва шаҳодатдан ўтказишнинг асосий мақсади, фуқароларни санитария-гигиена меърлари талаблари жавоб берадиган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари билан таъминлашдан иборат.

1.3 Меҳнат шароитларини баҳолаш асосида иш жойларини шаҳодатдан ўтказилади.

1.4 Шаҳодатлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ишлаб чиқариш муҳитининг физикавий, кимёвий ва биологик омиллари, иш жойларидаги меҳнат жараёнининг оғирлиги ва зуриқлигини умумий тадқиқотдан (асбоблар ёрдамида) ўтказиш;

б) иш жойларини қандай зарарли ва хавфли меҳнат даражалари синфларига қарашли эканлигини асослаб бериш;

в) ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, қасблар, лавозимлар ва қўрсаткичларни имтиёзли шартларда нафақа олиш ҳуқуқини берувчи 1,2,3-сонли рўйхатларга қиришини асослаш

г) нокулай меҳнат шароитлари ва алоҳида тусдаги меҳнат шароитларида ишловчи ходимлар учун қушимча таътил белгилаш;

д) нокулай меҳнат шароитлари учун ходимларнинг имтиёзли нафақа олиш ҳуқуқлари бор ёки йўқлигини тасдиқлаш;

е) нокулай меҳнат шароитларини вужудга келтирувчи сабаб ва омилларни аниқлаш;

ж) юридик шахс ва фуқаролар (ишчилар) уртасида юзага келган низоларнинг ечимини топиш;

з) меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқиш.

Соҳада курсатиладиган хизматларда меҳнат хавфсизлиги чора тадбирлари учун қуйидаги меърий ҳужжатлар асосдир:

А) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;

б) Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни;

в) Имтиёзли шартларда нафақа олиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва курсаткичларнинг 1,2,3 – сонли рўйхатлари⁷

г) Меҳнатни гигиена бўйича туркумлаш (ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли ва хавфли курсаткичлар, меҳнат жараёни оғирлиги ва қучланиши), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

д) Меҳнат хавфсизлиги бўйича стандартлар тизими;

е) Санитария-гигиена меърий ҳужжатлари, меҳнат хавфсизлиги бўйича қоидалар;

ж) ишлар ва ишчи касбларининг ягона тариф-малакалаш маълумотномалари;

з) хизматчилар, мутахассислар ва раҳбарларни лавозимлари бўйича малакалаш маълумотномалари;

и) ишчилар касби, хизматчилар ва лавозимларни малакалаштириш буйича рисоалар.

4.2. Аҳолига хизмат курсатиш даврида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохатларни амалга ошириш ва мамлакат салоҳиятини юқори даражага кўтариш оилалар олдига юқори малакали ва даврнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлган баркамол авалодни тайёрлаш вазифасини қўяди.

Ҳар томонлама етук, интилувчан ва замонавий тасаввурга эга бўлган баркамол авлод мустақил давлатимиз тараққиётини ва уни халқаро даражадаги нуфузини кўтарадиган асосий омиллардан биридир.

Мехнат муҳофазаси билан ёнгин хавфсизлиги ва яшиндан химоя килиш чамбарчас боғлиқдир. Чунки ёнгинлар ва яшинлар моддий бойликларга зарар келтиради, ҳамда кишилар ҳаётига хавф тугдиради. Ўзбекистон Республикасида энг муҳим социал ва сиёсий муаммо булмиш одамларнинг турмуш фаолиятини яхшилаш соҳасида мехнатда чуқур узгаришларни амалга ошириш, мехнат шароитларини яхшилаш ва енгиллаштириш каби масалалар устида катта ишлар олиб борилмокда.

Хизмат курсатиш фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисмларидан бири бу – ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва уни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Республикада саноат ва қишлоқ хўжалигининг юксалиши, оилалар турмуш шароитининг ўсиши, шаҳар ва қишлоқларнинг ободонлашиб бориши ёнгинга ва уни бартараф этишга бўлган талабаларни ҳам ошириб боради. Демак, шундай шароитларда

ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳам оила аъзоларининг хушёрлиги, унинг ишончли яшаши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш хизмат курсатиш жараёнларини, меҳнат шароитларини, технологик жараёнларни ва жамиятнинг тинчлик-осойишталигини таъминлашнинг ажралмас ва ўта муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараёнлар бир бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни бир мураккаб тизим элементларининг биргаликда ишлаши кўринишида қараш мумкин.

Ёнгин хавфсизлиги деб объектнинг шундай ҳолатига айтиладики, бунда ёнгиннинг келиб чиқишига йул қуймайди, ёнгин пайдо бўлган тақдирда зарарли омилларни кишиларга таъсир қилиши йул қуйилмайди ҳамда моддий бойликлар сакланиб қолади.

Ёнгин хавфсизлиги, электр хавфсизлиги, санитария назоратининг назорат қилиниши қуйидаги давлат органларига бириктирилган:

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хужалиги қорхоналаридаги қутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат курсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат инергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назоратини Республика соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёнгин профилактикаси қоидаларига риоя қилишни Давлат ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан ҳимоя қилиш Бошқармаси назорат қилади.

Ёнгин хавфсизлиги масаласи - иқтисодий, ижтимоий ва муҳандислик нуқтаи назардан асосланади. Қуйда уларни моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

1. Ижтимоий сабаблари. Маълумки, хизмат курсатиш объектлари, саноат қорхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳаси қорхоналари фаолияти маълум техноген жараёнлар билан боғлиқ ва

уларда ёнғин бўлиш хавфи эҳтимоли доимий сақланади. Демак уларда ёнғинни олдини олиш ва бартараф қилиш чора тадбирлари доимий равишда кўзда тутилиши керак. Ёнғинни олдини олиш ва уни ўчириш агенти сифатида барча жойларда сувнинг бўлиши ҳамда унинг етарли миқдордаги захираси сақланиши шундай чора тадбирларнинг энг асосийси ҳисобланади. Шунингдек барча истеъмолчиларнинг кундалик эҳтиёжлари учун ҳам сув бериш шарт. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва корхоналарга узлуксиз ва етарлича миқдорда ҳамда талаб этилган босим остида сув беришни тақозо этади. Ишончлилик ва узлуксизлик кўрсаткичларига ёнғинга қарши сув таъминоти тизими ҳам шундан кам талаб қўймайди. Демак бу икки тизимни бирлаштирилиши ҳар иккала талабларни ҳам бирдай қаноатлантиради. Бу билан ўта муҳим икки ижтимоий масала оилаларни доимий сув билан таъминлаш ва ёнғинни олдини олиш ҳамда бартараф қилиш ўз ечимини топади. Бу ҳолда асосий тамойиллардан бири инсон ва ишлаб чиқариш мавжуд бўлган жойда сув ҳам бўлиши сўзсиз таъминланади.

1. Иқтисодий сабаблари. Сув таъминоти тизими ўзининг мураккаблиги ва уни доимий ишончли ишлашига қўйилган талабларни бажариши учун унга нисбатан катта миқдорда моддий техник сарф ҳаражатлар қилинади. Бу тизимнинг сув манбасидан то сувни истеъмолчига етказиб бергунча бўлган барча иншоотлар, уларни жиҳозланиши ва улардан фойдаланиш учун қилинадиган бир марталик ва доимий сарф ҳаражатлар билан боғлиқ. Албатта, ҳар қандай тизим ўта ишончли ва доимий узлуксиз фаолият кўрсатиши учун уни иккита, яъни асосий ишчи ва захира тизими бўлишини тақозо қилади. Шу ўринда ёнғинга қарши сув таъминоти тизимини ичимлик ва ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимидан ажратиш ҳам бир вариант сифатида қаралиши мумкин, лекин ёнғинни қачон ва қайирда бўлиши маълум бўлмагани (балки узоқ йиллар давомида ҳам бирор ёнғин бўлмаслиги)

бу икки тизимни бирлаштирилишининг асосий иқтисодий сабабларидан бирига айланади. Ёнғинга қарши сув тармоғи тизимининг алоҳида лойиҳалаштирилиши ва қўшимча иншоотлар қурилиши оддий сарф ҳаражатлар билан боғлиқ, бу асосий иқтисодий сабаб ҳисобланади.

1. Муҳандислик сабаблари. Ёнғинга қарши жиҳозлар ва иншоотларнинг ичимлик ва ишлаб чиқариш сув таъминоти тизимига бириктирилиши улардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Шунингдек улар базада икки мақсадда ишлатилади. Яъни, сув захираларини сақлаш сифмларида бир вақтнинг ўзида ичимлик сувлари захираси ва ёнғинга қарши захиралар сақланади. Ёнғин гидрантларининг магистрал сув тарқатиш тармоқларида ўрнатилиши уларнинг эксплуатациясини ва доимий сув билан таъминланишига сабаб бўлади.

Юқоридаги сабабларга кўра ёнғинга қарши сув таъминоти тизими билан бириктирилиши мақсадга мувофиқ. Демак, ёнғинга қарши муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун дастлаб сув таъминоти тизими, унинг иншоотлари, уларни ўзаро боғлиқлиги тўғрисида тушунчага эга булиш лозим деган умумий хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСА

Самарканд вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат курсатиш ва сервис тушунчаларининг мазмунини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларга доир назарий мулоҳазалар келтирилди.

2. Хизмат соҳаси истиқболда иқтисодиётнинг асосий соҳасига айланади. Хизмат соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида, янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади, мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади, ҳудудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилиниб унинг янги соҳалари вужудга келади.

3. Хизмат соҳаларини ривожлантириш бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

4. Миллий қадриятларимизга кўра, вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида хизмат соҳаларида тадбиркорлик фаолиятининг маҳаллий, анъанавий ва шаҳарбоп кўринишларини тиклаш ва рағбатлантириш шунингдек, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятларини тиклашда, уларга зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, соҳа тадбиркорлари

учун кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш ва эвазига уларнинг мулкый таъминланганлик даражасини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

5. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу эса, хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради.

6. Хизмат соҳасида иш билан бандликни таъминлаш мақсадида, янги корхоналар ташкил этиш, хусусан, касаначилик, оилавий кичик цехлар очиш, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш бўйича хизматлар турини кенгайтириш ҳамда йирик саноат корхоналари ўртасида турли хизматлар бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш зарурати пайдо бўлганлигидан келиб чиқиб уларни ривожлантириш йўналишлари асосланган.

7. Хизмат соҳаларида тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омиллар эканлигини инобатга олиб, микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш мақсадга мувофиқдир.

8. Вилоятда хизмат курсатиш соҳасини ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

9. Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига кадрлар тайёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш имкониятини кенг очиш, ахборот маслаҳатларини бериш учун зарур шаҳобчаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I . Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида». «Халқ сўзи» 2005 йил 16 июнь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи», 2005 йил 21 июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» (2006 й. 5 январ). «Ишонч» газетаси 2006 й 6 январ, №3 (2052).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (2006 йил 17 апрел).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2007 йил 12 ноябр).

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Т: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Т: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т: Ўзбекистон, 1993.

4. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот: масъулиятли босқич. Т: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 16- Б.
7. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. “Халқ сўзи”, 2001. 18 июль.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулдирмиз. Т: Ўзбекистон. - 2001.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .82- Б.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2011.
11. Каримов И.А. 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси // “Халқ сўзи”, 2012 йил 20 январ.

III. Китоблар ва монографиялар

1. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 28 Б.
2. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т.: “Молия”, 2002., 325 Б.
3. Кейнс Дж. М. “Избранные произведения”. – М.: Экономика, 1993 г.

4. Никифорова А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991 - 184 с.
5. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. 58-71 Б.
6. Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народов. – М.: Соц.экгиз, 1962, -С.332.
7. Сирожиддинов С.Х., Маматов М.М. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. Ўқув қўлланма. Т.: - “Ўқитувчи”, 1980. 210-Б.
8. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маъруза матни. Самарқанд, 2007. 207 – Б.
9. Ўлмасов А., Шарифўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик, Т.: Меҳнат, 1995 137-147 Б.
10. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2002, - 94 - Б.
11. Эконометрика: Учебное пособие для студентов экономических вузов // Т.Ш. Шадиёв и др. / - Т.: “Шарк”, 1999. -С-240.

III. Рисола, илмий мақолалар ва илмий анжуман материаллари

1. Астанов Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш – товар бозорини тўлдириш, иш билан бандликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий йўналишлардан бири. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 7. – 2003. - 38-40 Б.
2. Акимов О.Ю. Методический аспект формирования и управления предпринимательскими доходам в сфере услуг. // Вопросы экономических наук. - № 2. – 2005. - 177 Б.
3. Багдановский В. Труд и занятость в сельском хозяйстве // Вопросы экономики. - 2005. № 6. - С. 72.
4. Бухвальд Е, Виленский А. Развитие и поддержка малого бизнеса (опыт Венгрии и уроки для России). // Вопросы экономики. - № 7. - 2002. -С.109.

5. Белянин А. Дениел Канеман и Вернон Смит: экономический анализ человеческого поведения (Нобелевская премия за чувства реальности). // Вопросы экономики. - 2003. - № 1. - С. 5.
6. Гулямов С. Импульс в развитии малого бизнеса, «Труд» газетаси 2005 йил 24 июнь, № 114 (24796), 3 Б.
7. Жавлиева Г. Қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 3-4. -2004. - 60 Б.
8. Жўраев М. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш кафолатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 6. – 2003. - 55 Б.
9. Корнаи Я. Системная парадигма. // Вопросы экономики. 2002 № 4. С.4.
- 10.Клейнер Г. Системная парадигма и теория предприятия. Вопросы экономики. 2002. № 10. - С.47.
- 11.Муллажанов Ф. Банк тизими: аҳоли ишончи-устувор йўналиш.// Бозор, пул ва кредит. № 3(118) март, 2007 й 3-Б.
- 12.Нарбаева Т. Узбекистан предпринимает меры по достижению целей развития тысячелетия // экономическое обозрение. 2004 й. октябрь, 10 б.
- 13.Облокулов Г. Хусусий мулкнинг таркибий тузилиши.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 5-6. – 2004. - 60 Б.
- 14.Пардаев М, Шодиева Г, Исроилов Ж. Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 1-2. – 2003. - 35-36 -Б.
- 15.Салаев С., Сатторов С. Қишлоқ тадбиркорлиги ва аграр ислохотлар: муаммолар, ечимлар. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - №8-9. – 2003. - 16-17 Б.
- 16.Самадов А., Абдусамиева Н. Кичик ва ўрта бизнесда маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -№ 1-2. - 2003 й. 48-49 Б.

17. Сотволдиев А. Ўзбекистонда демографик ривожланиш ва аҳолини иш билан таъминлаш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - №3. 2003 28-Б.
18. Сирожиддинов И. Қишлоқ инфратузилмаси ва кичик бизнесни ривожлантириш. // Бозор, пул ва кредит. 5 май 2005 й 53-Б.
19. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 16 Б.
20. Ғафуров У. Кичик бизнес корхоналари салмоғини оширишнинг айрим йўналишлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, - № 3-4. - 2004. 14 Б.
21. Иброхимов И. Қишлоқ хўжалигида мулкдорлар қатламини ривожлантириш – давр талаби. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 4. – 2003. – 22 - Б.
22. Исакова Т. Қишлоқ меҳнат бозори муаммолари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 3-4. – 2004. – 57 - Б.
23. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 32 Б.
24. Қудратов Ғ.Х., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 16 Б.
25. Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 28 Б.
26. Қузиев Р. Кичик бизнесни рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. №4, 2003й, 54 б.

V. Диссертация ва диссертация автореферати

1. Султонов Ш. А. Хизмат курсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарадорлигини ошириш йуллари // Иқтисод фанлари

номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. С.-2011. – 25- Б.

2. Қувондиқов Ш. О. хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. – С. - 2008. – 23- Б.

VI. Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.

ИЛОВАЛАР

1-Илова

Самарқанд вилоятида 2006 – 2010 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони (И.и.х.б) ва асосий фондлар (И.а.ф) индекслари*.

Йиллар	Соҳа ва тармоқлар					

* Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2-Илова

Самарқанд вилоятида 2006 – 2010 йилларда хизмат соҳаси ва тармоқлари (савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат)да банд бўлганлар сони (И.и.х.б) ва асосий фондлар (И.а.ф) динамикаси индекслари.*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари
--------	--------------------------------------

	Савдо ва умумий овқатланиш		Транспорт		Маиший хизмат	

* Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

3-Илова

Самарқанд вилоятида 2007-2010 йиллар 1 январ ҳолатига хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат унумдорлиги (минг сўм / киши) *

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳалари ва тармоқлари		

* Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

4-Илова


Самарқанд вилоятида 2006 – 2009 йилларда савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, маиший хизмат соҳаларида асосий ишлаб

чиқариш фондларининг қиймати (йил бошида, тўлиқ ҳисоб қиймати бўйича минг сўм)

йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳа ва тармоқлар		

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

5-Илова



2.2.2-расм. Самарқанд вилоятида транспорт тармоғида фондлар қайтими ва фондлар билан қуrollаниш даражасининг ўсиши, (%).

6-Илова

Самарқанд вилоятида 2007-2010 хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида фондлар қиймати (ФҚ) ва фондлар билан қуrollаниш (ФБК)*.

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

7-Илова

Самарқанд вилоятида 2007-2010 хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқларида фондлар қиймати (ФҚ) ва фондлар билан фойдаланишнинг (ФБК) ўсиш суратлари, (%)*

Йиллар	Хизмат кўрсатиш соҳаси ва тармоқлари					

Манба: Самарқанд вилоят Статистика бошкармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.